

## Энг бой инсон ким?



09:14 / 16.12.2023 2194

Иймон эътиқодли кишининг шукроналик, сабр-бардош ва қаноат туйғуси ўз-ўзидан унинг хулқ-атворида, шахс сифатларида ва оилавий муносабатларида акс этиши, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Алишер Навоий ҳазратлари асарларида келтирилган қаноат, шукр сўзларининг мазмун-моҳиятига аҳамият берсак, нақадар гўзал ҳолатда васф қилинганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мисол учун, «Маҳбубул-қулуб» асарида **«Қаноат шундай бир чашмаки, унинг суви ҳеч қачон қуримайди, у бир хазинаки, сарф этган билан камаймайди. Шундай бир зироатгоҳки, уруғидан иззат ва шафқат ҳосили унади. У гўё бир дарахтки, унинг шоҳида ҳурмат меваси пишади...»** - каби фикрларини баён этган. Мутафаккир инсондаги иродани қаноатга ўхшатади, уни сабрли бўлишга чорлайди.

Ислом дини таълимотида қаноатли бўлиш борасида келган илоҳий ўғитларга қулоқ солсак.

سَانِلَايَعْنُكَ لِكُلِّ هَلَالٍ مَسَقَ أَمَبَ ضَرَاوْ :- مَلَسُو هِي لَع هَلَالٍ يَلِصُ بِنَلَا لِق

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

**«Аллоҳ таоло сенга тақсимлаб берган нарсага рози бўл, шунда инсонларнинг энг беҳожатига айланасан».**

*(Имом Термизий ривояти).*

«Ризо» (яъни берилган нарсаларга розилик) аччиқланиш ва ғазабланишнинг акси демакдир. Имом Муслим саҳиҳ тўпламида келтирилган ҳадиси шарифда бу маъно Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

"كُطِّحَ سَنَمٌ لَكَ اضْرَبْ ذُوعًا"

**«(Аллоҳим) Сенинг розилигинг ила ғазабингдан паноҳ сўрайман»** дея ўргатган дуоларида ўз тасдиғини топган.

Бошқа бир ҳадиси шарифда Ул Зот шундай дейдилар:

طُحِّسَ لِي هَلْفَ طُخَسٍ نَمُو، اضْرَلْ هَلْفَ يَضْرُرْ نَمَف، مَهَالْتَبَا امَوْقِ بَحْ اِذْ هَلَلْ اِنْ  
يَذْمُرْتَلَا نَنْسَحِي حَص

**«Аллоҳ таоло агар бир қавмни яхши кўрса, ўша қавмни (мушибат ила) имтиҳон қилади. Кимда ким (бу қисматга) рози бўлса, (қиёмат кунида) унга ҳам розилик бордир. Кимда ким (бу қисматга) ғазаб қилса (қиёмат кунида) унга ҳам ғазаб бордир».**

*(Имом Термизий ривояти).*

Уламоларимиз берилган нарсаларга розиликка қуйидагича: **«Ризо - қалбнинг Парвардигор ихтиёрига таскин топмоғидир»** деб таъриф берилган бўлса, яна бошқа бир таърифда **«Ризо -тақдирнинг аччиқлиги сабабидан ҳам қалбнинг хурсанд бўлишидир»**, дейилган.

Бошқа олимлар: **«Ҳар қандай ҳукми хурсандчилик ила қарши олиш»**, яна бир таърифда эса **«Ҳар қандай ҳукм ўқилганда ҳам жазавага тушмаслик - ризодир»** деб келтирилган.

Розилик таслим бўлиб қўл қовуштириш эмас. Чунки аслида таслим бўлиш дегани бу – мағлубиятга учрамоқ ва мақсадга эришиш учун жидду жаҳд қилмасликдир. Ҳақиқий розилик бўлса, мақсадга етишиш учун бор имкониятни ишга солиш, мабодо эриша олмаса, ана шунда ҳеч қандай жазавага тушмасдан, ғазабланиб, аччиқланмасдан Аллоҳ таоло тақсимлаб берганига рози бўлишдир. Бу айти турмуш қуриб фарзанд кўра олмаган, дардга чалиниб шифо топа олмаётган, Аллоҳ таолонинг тақдири ила фақирлик, ҳоли тангликка учраб қанча ҳаракат қилса ҳам бундан қутула олмаётган кишиларнинг розилигидир.

Қуйида Аллоҳ таоло ёзиб, тақдир қилган нарсаларга рози бўлишдек сифат ила зийнатланишнинг шундай мартабалари келадики, натижада қалб доимий сурурни, нафс муқаррар неъматлар ҳиссини туя бошлайди.

Абдулвоҳид ибн Зайд айтади: **«Розилик - Аллоҳ таолонинг улуғ эшиги, дунё жаннати (энг буюк неъмат) ва обидлар чироғидир».**

Абу Абдуллоҳ Баросий айтади: **«Кимга розилик инъом этилган бўлса, фазилат даражаларнинг энг юқорисига етишибди».**

Абу Усмон Ҳайрий: **«Қирқ йилдан буён Аллоҳ таоло мени мен ёмон кўрган ҳолга ташламади ва ўша ҳолатдан мени мен ғазабланадиган бошқа бир ҳолга кўчирмади»** (яъни ҳар қандай ҳолда ҳам мен норизо бўлмадим, ёмон ҳам кўрмадим, ҳеч қачон ғазабланмадим).

Алқама розияллоҳу анҳу:

عَبَّ لِقَدِّ دَعَايَ لَلْإِبْنِ مُمْؤِي نَمَو

**«Ким Аллоҳга иймон келтирса Аллоҳ унинг қалбини ҳидоятга бошлайди»** ояти борасида шундай дейди: **«Бу кишига етган мусибат бўлиб, киши уни Аллоҳнинг ҳузуридан эканини билади ва унга таслим ила, рози бўлади».**

Омир ибн Қайс айтади: «Менга барча мусибатларни енгил қилган ва ҳар қандай бало-офатларга мени рози қилган Аллоҳ таолога ҳақиқатда муҳаббат қўйдим. Унга бўлган севгим туфайли кеча ва кундуздаги бўлаётган нарсаларга парво қилмайман».

Мана шу пайтда мусулмон киши наздида бойлик ва фақирлик паллалари тенг бўлади. Ибн Авн айтади: **«Банда ҳеч қачон фақирлик пайтидаги ризоси бойлик пайтидаги ризоси билан баробар бўлган даражадагидек ризонинг ҳақиқатига ета олмайди».**

إلى اع ت هللا نإو، مكقازراً مك نىب مسق امك، مكق الخأ مك نىب مسق الى اع ت هللا نإ  
ب حى ن م ال إ نامى إلى طعى الو، بحى ال ن م و بح ن م ل ام لى طعى

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:  
**«Албатта Аллоҳ таоло худди орангизда ризқларингизни тақсимлагани каби ўртангизда сизларнинг хулқларингизни ҳам тақсимлади. Аллоҳ таоло яхши кўрганларига ҳам ва яхши кўрмаган кишиларига ҳам мол-мулк бераверади. Иймонни эса фақат яхши кўрганларигагина беради»** (Ал-адаб ал-муфрад асари)

Аллоҳ берган ризқ-рўз шак-шубҳасиз, албатта етиб келади. Банда Аллоҳ таоло белгилаб қўйган ризқни еб бўлмагунича, белгиланган умрнинг ҳаммасини ўтамагунича вафот этмайди. Шундай экан, қандай қилиб нопок йўл билан ўзгаларнинг мулкига дахл қилиш, бу билан янада кўпроқ нарсага эришишни ишташ мумкин?

نأ قزرلأء اطبتسا، مك دحأ ن لم حى الو:- م لسو هى لع هللا ى لص - بى ن ل لوقى  
هء اطب ال هءنء ام ل انى ال - ى اع ت - هللا نإف، هللا ة ى ص عم ب ه ب ل طى  
بى غر ت ل ل حى ص

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Ризқим кечикяпти деб ҳаргиз гуноҳ иш билан уни тезлатишни хаёл қилманг. Аллоҳнинг ризқига фақат яхши йўл билан эришиш лозим», - дея таъкидлаганлар.

هات آامب هل لال اءع ن ق و ، اف اف ك ق ز ر و م ل س ا ن م ح ل ف ا د ق : ث ي د ح ل ا ي ف و

Бошқа бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам:  
**«Муслмон бўлиб, (муҳтожликдан) тўсадиган даражада ризқланган ва Аллоҳ уни Ўзи берган нарсаларига қаноатлантириб қўйган киши нажот топибди»**, деб марҳамат қилганлар.  
(Имом Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам инсонларнинг энг афзали, Оламлар Парвардигорининг севиклиги бўла туриб, тоғу тошлар У зот учун олтинга айланиши мумкин бўлгани ҳолда йўқчилик ичра, фақирона ҳаёт кечиришни афзал билганликлари барчамизга ўрнак бўлади.

Қаноат энг катта бойликдир. Мол-у дунё жаннатга киришни кечиктириши ҳам мумкин. Зотан Набий соллоллоҳу алайҳи васаллам Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда:

ماع ءءام س م خ ب ء ا ي ن غ ا ل ل ب ق ء ن ج ل ا ء ا ر ق ف ل ا ل خ د ي  
ي ذ م ر ت ل ل ن ن س ح ي ح ص

«Камбағаллар жаннатга бойлардан беш юз йил олдин киради», - деб, фақирлик, танглик ва ҳожатмандлик ила синалган кишиларга ҳушхабар берганлар.  
(Имом Термизий ривояти).

Камбағаллик баъзилар ўйлаганидек мол-у дунёси камлигида эмас, балки қаноат қилмасликдадир. Агар киши фақирлигидан нолиса ўзиданда ночорроқ кимсаларга назар солсин. Бу дунёда миллионлаб инсонларнинг ичида унданда камбағалроқ кишилар минглаб топилади. Уларга қараб инсон Аллоҳнинг берган неъматларига нисбатан шукр қилиши, бориға қаноат қилиши лозим бўлади.

Бу борада ҳам Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам жуда гўзал одоб-ахлоқ эгаси ва Парвардигорига энг маҳбуб банда эканликларини исботлаб

шундай деганлар:

يذلل اللد مءلل لاقف الل م بلل م: - ملسو و هلل ع هلل الل ص - بل الل لوقل  
ه بلل مل ، اللل صفة قلخ ن م رلل الل ع الل لل لل و ه ك الل بل ا م بل الل افاع  
ء الل الل ك لل ذ  
بلل ل الل ن ن ص ح ص .

**«Кимда ким бирор мусибатга учраган кишини кўрса, «Сизни синаган мусибатдан мени сақлаган, Ўзи яратган кўпгина махлуқотлардан мени афзал қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин», десин! Ўшанда ана шу мусибат унга етмайди».**

*(Имом Термизий ривояти).*

Бандага мусибат етса, чиройли сабри ва розилиги натижасида унга бир қанча фазилатлар берилади. Бу хусусда Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг: «Агар мен бирор мусибатга йўлиқсам, Аллоҳ таоло ўша мусибатда менга тўрт неъматни инъом қилган бўлади: Ўша мусибат динимда бўлмагани, (Аллоҳнинг қадарига) розиликдан маҳрум бўлмаганим, бунданда оғирроқ мусибат берилмагани ва ана ўша мусибат учун савоб умид қилишим мумкинлиги», деб айтган сўзлари барчамизни шукр қилишга, сабрли ва Аллоҳ таоло ёзиб қўйган тақдирига рози бўлишга ундайди.

Хулоса ўрнида бирор бир касалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида ноҳуш ҳодисаларга, бесабрликка қарши шукрона ва қаноат тарбиясини берсак, турли хил даъватчиларнинг алдовларига учмайдиган ўз Ватани ва халқи учун фидойи инсонларни тарбиялай оламиз.

Аллоҳ барчаларимизни шокир ва қаноатли бандаларидан қилсин!

**Жалолиддин домла Ҳамроқулов**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*